
Бувайдам, сенинг ёшларинг!

2-ВИДУМИ ЎҚУВЧИЛАРИ ШАРДА ОЛИМПИАДАСИДА ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Фарғона шаҳрида ўтказилган Шарда олимпиадасининг якуний босқичида туманимиздаги 2-ВИДУМИнинг 11-синф ўқувчилари Охунжон Деҳқонов кимё фанидан биринчи, Нилуфархон Акрамова эса инглиз тилидан иккинчи ўринни эгалладилар.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ҳамкорлигида очилган Шарда университети олимпиадада ғолибликка эришган ўқувчиларни эгаллаган ўринларига қараб юз фоиздан эллик фоизгача грант ҳисобида ўқишга қабул қилади.

Охунжон Деҳқонов 100 фоиз, Нилуфархон Акрамова 75 фоизли грант асосида ўқиш имкониятини қўлга киритди. Ўқувчиларга ушбу имтиёзни берувчи сертификатни Шарда университети ректори Санжай Пал топширди.

2022-05-27 14:55:43